

ЖОМЕЪУ-Л-БАЁН ТАФСИРИДА ТАБАРИЙНИНГ УСЛУБИ: ЛУҒАТ ВА РИВОЯТЛАРНИНГ ЎЗARO УЙҒУНЛИГИ

Нурали Мавланов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада Имом Табарийнинг машҳур "Жомеъу-л-баён" тафсиридаги услуби, хусусан, луғат ва ривоятларнинг ўзаро уйғунликда қўлланилиши таҳлил қилинади. Табарий тафсирида Қуръон оятларини тушунтиришда ривоятларга асосланиб, уларни луғат ва араб тили қоидалари орқали изоҳлашга катта аҳамият беради. Унинг ушбу илмий ёндашуви ривоят ва луғат илмининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади ҳамда Қуръон тафсирини ҳар томонлама тушунишда муҳим восита ҳисобланади. Мақолада шунингдек, Имом Табарийнинг услуби исломий илмлар ривожига қўшган ҳиссаси юзасидан ҳам ёритилади.

Калит сўзлар: Табарий, Жомеъу-л-баён, тафсир, ривоят, луғат, араб тили, ривоятга асосланган тафсир, исломий илмлар, Қуръон тафсири, услуб, таъвил.

Бой тафсирий материалларни ўзида жамлаган бу асар, кейинги тафсир ишлари ва илмий-тадқиқот ишлари учун жуда муҳим манба ҳисобланади. У "Жомеъу-л-баян фи тафсирил-Қуръон", "Тафсири Ибн Жарир" ёки "Тафсири Табарий" номлари билан ҳам танилган.

Табарийнинг шогирдларидан бири бўлган Абу Бакр Аҳмад ибн Комилнинг айтишича, бу тафсир ҳижрий 270 (милодий 883) йилда ёзилган (Ҳатиб ал-Бағдодий, 1950:164; Якут ал-Ҳамавий, 1956:42). Асарда Қуръоннинг бошқа сўзлардан устунлиги, унинг араб тилида нозил бўлганлиги, тафсир ва таъвил каби мавзулар ҳамда Қуръоннинг араб тилидаги асл мазмуни ҳақидаги баҳслар келтирилган. Табарий Қуръонда бошқа тилдаги сўзлар мавжудлигини рад этади ва бу сўзларнинг араблаштирилганлигини таъкидлайди (Якут ал-Ҳамавий, 1956:62)..

Табарийга кўра, Қуръондаги ажам сўзлар, унинг нозил бўлишидан олдин араблашган бўлиб, уларнинг сони жуда оз ва бу Қуръоннинг араб тилида нозил бўлганлигини заифлаштирмайди.

Табарий ўз тафсирида авваламбор Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан келган ривоятларга, сўнгра саҳобалар ва тобеъийлар фикрларига асосланади. У Саид ибн Жубайр, Мужоҳид, Икриме, Қатода, Ҳасан Басрий, Ибн Журайж, Суддий, Абдурраззоқ, Фарро ва бошқа кўплаб машҳур муҳаддис ва фақиҳларнинг ривоятлари ва тафсирларидан фойдаланган. Шу билан бирга, Басра ва Куфа

мактабларига мансуб луғат ва сарф-нахв уламолари, масалан, Кисойй, Фарро, Ахфаш, Абў Али ал-Кутруб кабиларнинг қарашларига ҳам кенг ўрин берилган.

Табарий асарларида тарихий манбалардан ҳам фойдаланиб, Ваҳб ибн Мунаббих, Ибн Исҳоқ кабилардан нақллар келтирган. Аммо Муҳаммад ибн Саъиб ал-Калбий ва Муқотил ибн Сулаймон каби баъзи муҳаддисларнинг ривоятлари ишончсиз деб баҳолангани сабабли, уларнинг ривоятларини ўз тафсирига киритмаган.

Ҳар бир оятни тафсир қилишда Табарий "ал-қавлу фи таъвили кавлиҳи таалà" ибораси билан бошлаб, Пайғамбаримиздан (с.а.в.), саҳоба ва тобеъийлардан келган хабарларни баён қилади ва уларни мувофиқ ёки зид эканлигини текширади. Агар оят ҳақидаги хабарлар йўқ бўлса, уни араб тили қоидалари билан тафсир қилади. Унинг тафсири ривоятга асосланган бўлса-да, танқид ва тафовутларга кенг ўрин берилгани бу асарнинг ўзига хос хусусиятидир.

Табарий Қуръон оятларини шахсий фикрга (реъй) асосланиб тафсир қилишдан қатъий қочган ва бундай усулни қўллаганларга қарши чиққан. Унга кўра, инсон Пайғамбардан (с.а.в.) келган аниқ далил ёки ишора бўлмагунча Қуръонни тафсир қилиши нотўғри. Агар инсон шахсий фикрида тўғри хулоса қилган бўлса ҳам, бу хатолик ҳисобланади. Табарий бу фикрини Пайғамбардан (с.а.в.) ривоят қилинган ва ҳадисчилар томонидан гариб деб баҳоланган "Ким Қуръон ҳақида ўз фикри билан гапирса, агар тўғри айтган бўлса ҳам, хатога йўл қўйган бўлади" ҳадиси орқали тасдиқлашга ҳаракат қилади (Ибн ал-Кифтй, 1955:89; Суютий 1975:212; Аҳмад Муҳаммад ал-Ҳавфий, 1970:157).

Табарий, ҳадис илмининг моҳир билимдони сифатида, тафсирида келтирган ривоятларнинг иснодларини батафсил ва аниқ тарзда баён этади. У ҳатто баъзи ровийлар ҳақида маълумотлар ҳам беради ва ровийнинг исмини унутиб қолган тақдирда буни очикчасига айтади. Масалан, "Жомеъу-л-баян"нинг биринчи жилдида (I, 32) ровийнинг исмини унутиб, буни қайд этади. Базида ровийнинг исмини келтирмасдан "базилар айтишича" дея ривоят келтиргани ҳам бор.

Табарий луғат ва сарф-нахв масалаларида Басра ва Куфа мактабларининг илмларига асосланади, лекин кўпинча Куфа олимларининг қарашларини маъқул қўради. У баъзида оятлардаги сўзларнинг игроби (грамматик қоидалари) устида туриб, уларни аниқ тушунтириш учун кўплаб араб шеърларидан мисоллар келтиради (Ҳусейн аз-Заҳабий, 1961:205-224).

Табарий қироат илмининг ҳам етук билимдони бўлган ва Қуръон қироатидаги ихтилофларга дуч келганда, уларни қайд этиб, ўз танловларини билдириб ўтган. Унинг бу борадаги танловлари кўпинча Куфа қироат мактабига асосланган бўлиб, айрим ҳолларда ҳар икки қироат усулини ҳам тўғри деб топиб, танловни ўқувчиларга қолдирган. Масалан, "Жомеъу-л-баян" асарининг

тўртинчи ва саккизинчи жилдларида бундай вазиятлар қайд қилинган (Табарий, 1957:328-329)).

Табарий мутазилалар ва каломчиларнинг баъзи қарашларини таҳлил қилиб, асосан селефийлик мазҳабига мансуб ғояларни қўллаб-қувватлаган. Фикҳ борасида у мустақил мазҳаб асосчиси бўлган ва айниқса, аҳком оятлари тафсирида турли фикҳий қарашларни келтирган. У биринчи навбатда турли олимлар ва мазҳаблар ўртасидаги баҳсларни келтириб, сўнгра ўз танловини билдирган. Агар мавжуд фикрларнинг бирортаси унга маъқул бўлмаса, ўзига хос далиллар билан шахсий қарашларини ҳам изоҳлаб ўтган.

Шу билан бирга, Табарий Ироқда ва ўша вақтларда тарқалган бўлган Ислоилётий ривоятларини ҳам асарига киритган, аммо бундай ривоятларнинг иснодларини кўрсатиб, уларни кўпроқ ўқувчининг баҳосига қолдирган. Бундай ривоятлар Каъб ал-Аҳбор, Ваҳб ибн Мунаббих ва Ибн Журайж каби шахслардан олинган бўлиб, уларни тарихий ахборот сифатида келтирган.

Табарийнинг асари илк даврларда ёзилган, лекин бизгача етиб келмаган тафсирлар ва бошқа манбаларга эришиш, шунингдек, луғат, тарих, фикҳ, қироат, калом, сарф-нахв ва қадимги араб шеърятини ўрганиш учун бебаҳо манба ҳисобланади. Асарнинг аҳамияти нафақат ўша даврга оид маълумотларни йиғишда, балки муаллифнинг ўзига хос илмий қарашлари ва танловлари билан ҳам бойитилганлигида намоён бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, "Жомеъу-л-баян" ривоятга асосланган тафсирларнинг энг мукаммал ва кенг қўламли намунаси сифатида эътироф этилади.

Масалан, Ибнул-Кифтий бу асардан кўра катта ва фойдали тафсир топилмаганлигини таъкидлайди. Суютий эса уни тафсирлар орасидаги энг қимматбаҳоси деб таърифлайди. Бу эътирофлар асарнинг нафақат ўша даврлар учун, балки кейинги авлодлар учун ҳам улкан аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Нёльдеке 1860-йилларга қадар Табарийнинг тафсири "Жомеъу-л-баян"нинг тўлиқ қўлёзма нусхаси топилмаганлигини таъкидлаб, "Агар бу китоб қўлимизда бўлганида, кейинги тафсир манбаларига эҳтиёж қолмас эди", деб айтган эди. Асар нашри бўйича ишлаб чиққан Мустафо ибн Муҳаммад ал-Бобий ал-Ҳалабийнинг маълумотига кўра, ушбу тафсирнинг Нажд амирларига тегишли хусусий нусхаси Миср ва Ҳалабдаги кутубхоналардаги нусхалар билан солиштириб чиқилган. Кейин асар Ажар уламоларидан иборат гуруҳ томонидан тузатилиб, 1321 йилда 31 жуз ҳолида Қоҳирада нашр этилган.

Шундан сўнг, асарнинг матбу нусхаси Ҳидив кутубхонасидаги қўлёзма билан қайта таққосланиб, зарурий тузатишлар киритилиб, Миср ҳидиви II Аббос Ҳилмий Пошо ҳомийлигида 30 жузлик иккинчи нашри 1323-1330 йилларда

қайта босилган. Ушбу нашр учун Херманн Хаусслейтер томонидан махсус каталог ҳам тайёрланган.

Мустафо ас-Секконинг таҳририда 1954-1957 йилларда асар икки мартаба нашр этилган. Кейинчалик, Аҳмад Муҳаммад Шокир ва Маҳмуд Муҳаммад Шокир ака-укалари асарни қайта таҳлил қилиб, 13 жилдлик нашр қилиб чиқишган. Бу нашр Энфол сурасининг 47-оятигача бўлган қисмни ўз ичига олган.

"Жомеъу-л-баян"нинг мухтасарлари ва таржималари ҳақида қуйидаги маълумотлар мавжуд. Асарни Абў Яҳё Муҳаммад ибн Сумодих эт-Тучибий (ваф. 1028) "Мухтасар мин Тафсири-л-Имом ат-Табарий" номи билан мухтасар қилиб ишлаб чиққан. Бу мухтасар асарнинг ёзма нусхаси Санъода сақланиб, биринчи жузи Муҳаммад Ҳасан аз-Зефитийнинг таҳририда Қоҳирада нашр қилинган. Фуат Сезгиннинг таъкидлашича, бу мухтасар асар бир гуруҳ томонидан форс тилига таржима қилинган бўлиб, Табарийнинг арабча асари Бағдоддан келтирилган нусха асосида эҳтиётлик билан мухтасар қилинган.

Фарсий таржима "Таржумаи Тафсири Табарий" номи билан машҳур бўлиб, Ҳабиб Яғмой томонидан етти жилдлик қилиб нашр қилинган (Техрон, 1960). Кейинчалик, Муҳаммад Али ас-Сабуний ва Солиҳ Аҳмад Ризо тарафидан ҳам "Мухтасару Тафсири Табарий" номи билан икки жилдлик мухтасар шаклида нашр этилган (Бейрут, 1983).

"Жомеъу-л-баян" асари Ж. Купер томонидан кириш ва изоҳлар билан инглиз тилига мухтасар тарзда таржима қилинган. Ушбу таржима "The Commentary on the Qur'an, Being an Abridged Translation of Jami' al-Bayan 'an ta'wil al-Qur'an" номи билан нашр этилаётган бўлиб, В. Ф. Маделунг ва А. Жонс таҳририда амалга оширилган. Бу таржима, асосан, Аҳмад Муҳаммад Шокир ва Маҳмуд Муҳаммад Шокир томонидан тайёрланган арабча нусхага таянган. Қуръон оятларининг таржимасида асосан Арбери ва баъзан М. Пикталлнинг инглизча таржималарига суянган.

Бу иш беш жилддан иборат бўлиб режалаштирилган, ва биринчи жилд 1987 йилда Оксфордда нашр қилинган. Шунингдек, "Жомеъу-л-баян" асарининг Пьер Годе томонидан тайёрланган французча мухтасар таржимаси ҳам 1983 йилда Парижда нашр этилган бўлиб, ҳозиргача уч жилди нашр қилинган.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абу Довуд. Илм. // Сунан Абу Довуд. – Қоҳира, Дорул-Кутуб ал-Илмия, х. 5.
2. Термизий. Тафсир. // Жомий ат-Термизий. – Қоҳира, Дорул-Кутуб ал-Илмия, х. 1.
3. Табарий. Жомийу-л-баён. – Қоҳира, Дорул-Ихё ал-Кутуб ал-Арабия, 1954-1957.
4. Ибн ан-Надим. Ал-Фехрист. – Қоҳира, Дорул-Маариф, 1964. – С. 291-293.
5. Хатиб ал-Бағдодий. Тариху Бағдод. – Қоҳира, Дорул-Ихё ас-Сурия, 1950. – Ж. 2. – С. 162-168.

6. Ибн ал-Жавзий. Ал-Мунтазам. – Қоҳира, Дорул-Кутуб ал-Исломия, 1968. – Ж. 6. – С. 170.
7. Якут. Мучамул-удабобъ. – Қоҳира, Дорул-Хилол, 1956. – Ж. 18. – С. 40-94.
8. Ибн ал-Кифтй. Инбахур-рувот. – Қоҳира, Дорул-Кутуб ал-Исломия, 1955. – Ж. 3. – С. 89-0.
9. Заҳабий. Тазкиратул-хуффоуз. – Қоҳира, Дорул-Маариф, 1968. – Ж. 2. – С. 710-716.
10. Заҳабий. Мизонул-Иътидол. – Қоҳира, Дорул-Кутуб ал-Исломия, 1950. – Ж. 3. – С. 498-499.
11. Ибн ал-Жазарий. Ғоятун-Нихоя. – Қоҳира, Дорул-Маариф, 1965. – Ж. 2. – С. 106-108.
12. Ибн Ҳажар. Лисанул-Мизон. – Қоҳира, Дорул-Ихё ат-Турос ал-Исломиий, 1970. – Ж. 5. – С. 100-103.
13. Суютий. Ал-Иткан. – Қоҳира, Дорул-Маариф, 1975. – Ж. 4. – С. 212.
14. Ҳаджжи Халифа. Кашфуз-зунун. – Истанбул, Топқопи, 1941. – Ж. 1. – С. 437.
15. Мустафо б. Муҳаммад ал-Бобий ал-Ҳалабий. Феҳрист. – Қоҳира, 1321. – С. 2.
16. Саркис. Мучам. – Қоҳира, 1928. – Ж. 2. – С. 1231.
17. Брокелманн. GAL. – Лейпциг, 1898. – Ж. 1. – С. 149; Suppl. – 1937. – Ж. 1. – С. 217.
18. Сезгин, Ф. GAS. – Лейден, 1967. – Ж. 1. – С. 323-328.
19. Монте, Э. Ле Куръан (Introduction). – Париж, 1949. – С. 59.
20. Голдзиҳер, И. Мазохибут-Тафсир ал-Исломиий. – Қоҳира, 1374/1955. – С. 107-120.
21. Ҳусейн, М. эЗ-Заҳабий. Ат-Тафсир вал-Муфассирун. – Қоҳира, 1381/1961-62. – Ж. 1. – С. 205-224.
22. Аҳмад Муҳаммад ал-Ҳавфий. Ат-Табарий. – Қоҳира, 1390/1970. – С. 85-172.
23. Билмен. Тафсир тарихи. – Истанбул, 1963. – Ж. 1. – С. 363-368.
24. Абдулҳалим Маҳмуд. Манаҳижул-Муфассирин. – Қоҳира, 1978. – С. 39-46.
25. Керомат Раъно Ҳусейний. "Нусха-и Кўҳан аз Тарчумаи Тафсир Табарий". // Яғмо, XX/12. – Техрон, 1346. – С. 646-650.
26. Муҳаммад Абдулғаний Ҳасан. "Аҳдесу ма нушира фил-махтутатил-арабийя". // Мажаллатул-Китабил-Арабий / Arabic Book Journal. – Қоҳира, 1971. – С. 5.
27. Аҳмад Ҳаттоб ал-Умар. "Ат-Табарий ан-Наҳвий ал-Куфий мин хилоили тафсирих". // Адабур-Рофидейн, IX. – Мосул, 1978. – С. 235-263.
28. Ишилтан, Ф. "Табарий". // Ислом Ансиклопедияси. – Истанбул, 1960. – Ж. 11. – С. 595.